



Миллат тили ва адабиёти тараккиёти маънавиятмизни белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Ўтмишга, хусусан, XX аср бошларида алохида ижтимоий ходиса сифатида баҳоланган жадидчилик харакати намояндалари ижодий фаолиятига назар ташлар эканмиз, бугунги кунда республикада маънавий соҳада олиб борилаётган изчил сиёсат билан ҳамоҳашликни кўрамиз. Бундан 100 йил муқаддам миллат, ватан, тил, адабиёт - ҳаёт ва мамот масаласи сифатида кун тартибига чиққан эди. Бинобарин, шуни таъкидлаи лозимки, бу борада фикр юритган жадидлар, хорижий тилларни ўрганишни инкор этмай, балки ўзлари ҳам 10 дан ортиқ тилларни билган, бу соҳада бир неча тилларни ўз ичига олган лугат китоблар тузгани холда, милдий тил ва адабиёт химоячилари сифатида унинг софлиги ва тараккиёти учун кураш олиб борганлар.

Бу жиҳатдан матбуотда, аййикса, “Садои Фаргона” ва “Туркистон вилояти газети”да алохида эътибор берилган. Фаргона жадидларидан Ашурали Зохирийнинг “Она тили” номли мақоласи эътиборга лойик. У мақоласида миллатнинг обрўси униш адабиётининг тутган ўрни билан боғлиқ эканлиги, адабиёти паст савияда бўлган миллатнинг бошқа халқлар орасида эътибори бўлмаслигини таъкидлайди.

“Пруссиядан мактуб” номли мақолада муаллиф тарихда “Шарқдан Гарб, ўрганган” вақтлар ҳам бўлганлигини, шу туфайли Туркистон халқи, ўз тарихи ва тилига эътибор билан қарашлари кераклиги алохида таъкидлаб кўрсатилади.

Маълумки, жадидлар ижтимоий воқеликка танқидий ёндошганлар. Жумладан А.Зохирий ўз мақоласида шундай дейди:

Бизнинг ҳам ҳоҳ уламо ва мударрисларимиз, ҳоҳ ёш унсурларими бўлсунлар, бу муқаддас она тилимизни тирилтирмоқлари анда турсин, балки йўқотмоқликка сабаб бўлурлар ва ҳам бўлиб турибдурлар. На учунки, уламоларимиздан бири бирор ерга ҳат ёки бировга берган нарсасини хотира дафтарига ёзса, она тилини кўйиб форс тилида ёзадурлар. Ёш ўсмирларимиз бўлсалар ўз ерликларидан бирини зиёфатга чоқуриб ҳат ёзсалар ҳам, усмонлича, ёки тоторча ёзадурлар; шоядки, она тилга муҳаббат ва ислоҳи онлардин-бўлур эрди. Агар уламолар, мударрислар, Эрон адабиёти, тили таъсиринда вояга етган бўлсалар, ёш ўсмирларимиз бўлсалар тотор ва усмонли турк. адабиёти воситаси ила фикрларини очгон. Шунинг учун ҳам, ҳар икки синф ҳам ўзларининг нур олгон тарафларига қараб тортадурларда, она тилларига ҳақорат назари ила боқиб, кундан-кун эсдан чиқармоқка бошлайдурлар.

Она тилининг бошка тиллар билан аралашиб ўз жозибасини йўқотиб бораётганлигини Фаргона жадидларининг раҳнамоси Исхокхон Ибрат ҳам ўзининг “Тарихи маданият” номли рисоласида таъкид остига олади. Жумладан, у куйидагича фикр юритади:

Маданият дедук. Бу нимадан иборатдур. Кайси ерларга ишоратдур, ани билмок зарур, то маданият ила вахшият ажралсун... Ота-онаси туркий, шахари туркий, тили форсий. Бугун бизнинг тилимиз русий, туркий, арабий хаммасидан ихтилот бўлган бир омихта тил бўлиб турубдур. Масалан, муассаса сўзларида “авижрокўм ” десак, ав-русий, ижро-арабий, кўм-арабий. Кани туркий? “Ўлкам буйруклари” деганда эхтимол тамом туркий бўлса, эмди кач-кам бўлур.

Бинобарин, бир неча тилларни билган жадидлар она тилимизни таркиб этиш билан бирга, хориж тилларини ўрганиш заруриятини таъкидлайдилар. Зеро, миллат тараккиётида она тилининг тиллар ичида етакчи, эътиборли ўринда туриши кераклигини, доимо боболаримиз буюк шарк классиклари Мавлоно Лутфий ва Навоий асарларини ўкиб ўрганиш оркали унинг хаётбахш эканлигини таъминлаб борилиши кераклигини алохида таъкид этадилар.

Мазкурлар, жадид олимлари миллий тил ва адабиётнинг юксаклиги, софлиги учун куйинчаклик билан курашганликларини кўрсатади. Улар томонидан сурилган гоюлар хозирда долзарблиги маълум. Хулоса этиб шуни айтиш керакки, адабиётимиз ва тилимизни асраб-авайлаб, унинг тараккиётига ўз улушимизни кўшишимиз айна вақтдаги заруриятдир.

Комила Абдулазиз кизи